

Ҳажга отланган кишининг уйдан чиқиб кетаётганда ўқийдиган дуоси



17:08 / 07.06.2024 2134

Ҳажга отланган кишининг уйдан чиқиб кетаётган пайтда икки ракат сафар
намозини ўқиб олиши суннатдир.

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰتٰنَا هٰذَا
لَا تُخْلِفْ عَلٰى نَفْسِنَا
وَلَا عَلَىٰ اٰمِلِيْنَ

يَلَعُ ذُبَعٌ فَلَخٌ أَمْ مَلَسَ وَ نِيَتَ غَكْرٌ نَمَلٌ لَضْفَأٌ هَلْ هَا دِيرِي نِيحٌ مُهَذَنَعٌ أَمْ هُغَكْرِي رَفْسٌ لَآ

Мутъим ибн Миқдом розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Сафарга чиқувчи одам хонадони аҳлига сафар олдидан ўқиладиган икки ракат намоздан афзалроқ нарса қолдирмабди»** («Канзул-Уммол»).

«Баъзи асҳобларимиз: «Сафар намозининг биринчи ракатига Фотиҳадан кейин Кафирун сурасини, иккинчи ракатига Ихлос сурасини зам қилиш мустаҳабдир», дейишган. Баъзилар эса: «Биринчи ракатга Фотиҳа сурасидан кейин Фалақ сурасини, иккинчи ракатга Нас сурасини зам қилади», дейишган. Салом бергандан кейин «Оятал Курсий» ўқилади. Ривоятларда «Ким уйдан чиқишидан олдин «Оятал курсий»ни ўқиса, то уйига қайтгунича бирор мусибатга дучор бўлмайди», дейилган. Қурайш сурасини ўқиш ҳам мустаҳабдир.

Абул Ҳасан Қазвиний раҳматуллоҳи алайҳнинг айтишларича, у «ҳар бир ёмонликдан омонликдир».

Сафари энгил ва осон ўтиши учун ҳожи уйдан чиқиш вақтида қуйидаги дуони ўқиса, Аллоҳ таоло уни шайтондан ва турли бало-қазолардан асрайди.

هَلَلَا يَضَرَّهَ مَلَسٌ مُؤْنَعٌ يَبْنَلَا جَرَحٌ أَمْ تَلَأَقُ، أَهْنَعُ

نَمَّ مَلَسَ وَهَيْلَعُ هَلَلَا يَلَصُ
هَفَرَطَاعَفَرُ الْإِطَقِ يَتِيَبُ
مَسَبُ: لَأَقَفُ، أَمَّسَلَا يَلَا
الْوِ، هَلَلَا يَلَعُ تَلَكَّوَتِ، هَلَلَا
، هَلَلَابُ الْإِئُوقِ الْوَلُوحِ
لَضَأُ نَأَكِبُ ذُوعَأُ يِنَأُ مَهَلَلَا
مَلْظَأُ وَأُ، لَزَأُ وَأُ لَزَأُ وَأُ، لَضَأُ وَأُ
لَهَجِيْ وَأُ لَهَجَأُ وَأُ، مَلْظَأُ وَأُ
: دُوَادُ وَبَأُ هَأَوْرُ. يَلَعُ

Умму Салама розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллоллоху алайҳи васаллам уйимдан қачон чиқсалар нигоҳларини осмонга қаратиб: «Бисмиллаҳи таваккалту алаллоҳ вала ҳавла вала қуввата илла биллаҳ. Аллоҳумма инний аъзузу бика ан азилла ва узолла ав азилла ав узалла ав азлима ав узлама ав ажҳала ав южҳала алайя», дер эдилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Маъноси: «Аллоҳга таваккал қилиб, Унинг номи билан чиқаман. Гуноҳдан сақланишга бўлган қувват ҳам, тоат қилишга бўлган тоқат ҳам фақат Аллоҳдандир. Эй Роббим, адашишдан ёки адаштирилишдан, тойилишдан

ёки тойилтирилишдан, зулм қилишдан ёки мазлум бўлишдан, жоҳиллик қилишдан ёки менга жоҳиллик қилинишидан Ўзингдан паноҳ сўрайман».

لَا أَقُودُ نَعْدُ هَلْ لِي ضَرٌّ يَلْعَنُ نَعْدُ
هَلْ لِي يَلْعَنُ يَبْنُلَانَا نَاكَ
أَرْفَسَ دَارًا إِذِ مَلَسَ وَهِيَ لَعْنُ
كَبَّوْهُ، لَوْ صَاكَ بُمُهَلَّلَا: لَأَقُ
دَمَحًا هَاوَرًا. «رِيَسَاكَ بَو، لَوْحًا

Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам сафар қилмоқчи бўлсалар:

«**Аллоҳумма бика асулу ва бика аҳулу ва бика асиру**» дер эдилар»

Аҳмад ривоят қилган.

Маъноси: Аллоҳим ҳиммат ва ҳафсала ила етиб боришга, гуноҳлардан тийилишга ва сафар қилишга Сендан мадад сўрайман.

«Мўминнинг умр сафари» китобидан